The paper aims to analyze the condition of historical science in the 1930s. At that period it becomes more politicized, and ideological positions of Marxist-Lenin conception of class approach to the studied processes and events were established. Being significantly different from the literature of the previous period, the historical science of the 1930s nevertheless clearly depicted the changes taken place in the republic.

Х. БАБАДЖАНОВ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА САНОАТ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ОККУПАЦИЯ ХУДУДЛАРИДАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛИШИ, ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ

Иккинчи жаҳон урушидан аввал Совет Иттифоқи ғарбий ҳудудларида мамлакатнинг қарийб 40% аҳолиси истиқомат қилар, 31850 та саноат корхоналари, 1135 та шахта, 61 та йирик электростанция, шунингдек, юзлаб энгил саноат ва бошқа корхоналар жойлашган эди¹. Босиб олинган ҳудудлар СССР иқтисодий ҳаётида улкан аҳамиятга эга ва асосий саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини берувчи марказлар ҳисобланар эди.

Уруш бошлангач, оккупация ҳудудларидаги моддий ва ишлаб чиқариш воситаларининг сақлаб қолиниши муҳим вазифа эди. Сақлаб қолинган дастгоҳ ва техника шарқий ҳудудларда ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишда катта аҳамият касб этарди. Иккинчи томондан, фашистлар Германияси босиб олган Европа давлатларида бўлгани каби, собиқ Иттифоқнинг оккупация ҳудудларидаги саноат-иқтисодий имкониятларидан фойдаланмаслиги лозим эди.

Урушнинг дастлабки кунларидан босиб олиниш хавфи мавжуд ҳудудлардаги саноат корхоналари ва бошқа мулкларни Совет Иттифоқининг шарқий ҳудудларига кўчириш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1941 йил 29 июндаги СССР ХКС ва ВКП(б) МК нинг директивасига кўра, кўчаётган аҳолига фашистлар Германияси армиясига «бирорта ҳам паровоз, килограмм ҳам нон, литр ҳам ёқилғи қолдирмаслик» талаби қўйилди². Албатта бу талабни тўлиқ бажара олиш мушкул бўлса-да, бу ҳолат фашистлар Германияси армияси қўлига камроқ техника ва ресурслар қолдириш заруриятини кўрсатарди. 1941 йил 24 июнда ушбу қарор асосида тузилган Эвакуация кенгаши барча техника, аҳоли, озиқ-овқат ва бошқаларни кўчириш ишларига раҳбарлик қилиши ва бу жараённи бошқариши лозим эди³. СССР иқтисодиётига эвакуация амалий фойда келтириши учун бир-бири узвий боғлиқ уч босқич амалга оширилиши талаб этиларди:

¹ Куманев Г.А. Война и эвакуация в СССР // Новая и новейшая история. Москва, 2006. № 6. 22-бет.

² Куманев Г. А. Война и эвакуация в СССР // Новая и новейшая история. Москва, 2006. № 6. 22-бет.

³ Кацава Л. Подвиг тыла // История. Москва, 1999. № 45. 17-бет.

— биринчидан, фронт ва фронт олди ҳудудларидан аҳолини, корхоналар ва уларнинг турли мол-мулкини эвакуация қилиш;

— иккинчидан, эвакуация қилинган аҳоли, корхоналар ва турли мол-мулкни манзилига етказиш;

— учинчидан, манзилга етиб келган корхоналар ишини ташкил этиш ва аҳолини жойлаштириш.

Иккинчи ва учинчи босқичлар бевосита Ўзбекистон зиммасига тушарди. 1941 йил иккинчи ярмидан фронт яқинидаги ҳудудлардан шарққа 2593 та sanoat корхоналари, 11 мингдан ортиқ трактор, кўплаб совхоз ва колхоз мулклари ҳамда 10 млн. га яқин киши кўчирилди. Барча мулк ва одамларни кўчириш темир йўлчилар зиммасига тушди. Эвакуация жараёнида 1,5 млн. га яқин темир йўл вагонлари ишга солинди⁴.

Эвакуацияни бетўхтов ташкил этишда темир йўл тизими моддий-техник базасининг қанчалик мустаҳкамлиги, темир йўл тизими ишининг тўғри ташкил этилганлиги ва темир йўлчилар ўз олдиларига қўйилган вазифани қандай бажара олиши муҳим аҳамиятга эга эди. XX асрнинг 40-йилларида Ўзбекистон ва собиқ Совет Иттифоқининг бошқа қисмларини икки темир йўл тизими: Тошкент—Оренбург ва Туркистон—Сибирь темир йўллари боғлар эди. Шунингдек, Тошкент—Красноводск темир йўли орқали Каспий денгизига чиқиш имкони ҳам бўлган.

Уруш темир йўл транспорти олдига бир қанча янги масъулиятли вазифаларни қўйди. Темир йўл транспорти биринчидан, фронтга қурола-аслаҳа, янги ҳарбий қисмлар, ҳарбий техника ва озиқ-овқат узлуксиз етказиб берилишини таъминлаши; иккинчидан, фашистлар Германияси томонидан босиб олинган ҳудудлардан фабрика ва заводларни, уларнинг асбоб-ускуна, станоклари, хом ашё захиралари ва тайёр маҳсулотларни кўчириши, иложи борича уларга зиён етказмаслиги зарур эди. Уруш йилларида Ўзбекистонга жами 104 та завод ва фабрика эвакуация қилинди⁵. Ҳар бир фабрика ва заводнинг асбоб-ускунаси анчагина ҳажмда бўлар эди. Мисол учун биргина Тошкентга эвакуация қилинган Чкалов номли заводнинг асбоб-ускуналари ҳар бирида тахминан 100 вагон бўлган 18 эшелондан иборат эди⁶.

⁴ Вторая мировая война. Краткая история. М.: Наука, 1985. 127-бет.

⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000. 440-бет.

⁶ Голованова А. А., Саидов Н. М. Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. Самарканд, СамДУ, 2006. Часть II. 8-бет.

Фақатгина 1941–1942 йилларда Ўзбекистон темир йўлчилари 2700 составдаги пассажир поездларини, кўчирилган корхоналарнинг асбоб-ускуналари ортилган 17600 вагон ва улардаги ўқ-дорилар, ёқилги, озиқ-овқат, кийим-кечаклар ортилган минглаб вагонларни фронтга етказишди⁷.

Бундай натижаларга эришиш учун темир йўл ишини қайта ташкил этиш зарур эди. Фронтга сафарбарлик туфайли паровозлар, ёқилги ва малакали машинист-механиклар сони камайди. Урушнинг бошланиши билан темир йўлларда интизомни кучайтиришга биринчилардан эътибор берилди. Фронтга озиқ-овқат, қурол-аслаҳанинг вақтида етиб бормаслиги ёки уларнинг йўлларда қолиб кетиши давлат мудофаа қобилиятини камайтириши ва эвакуация режаларининг бузилишига олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун темир йўлларда интизомни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

1941 йил ноябрида ушбу масалалар юзасидан СССР Олий Суди-нинг пленуми бўлиб ўтиб, унда транспорт ходимларининг меҳнат интизомини бузганлик учун жавобгарлиги кучайтирилди. Шу жумладан, темир йўлчилар прогул қилиши ёки ўзбошимчалик билан ишдан кетиб қолиши, транспорт воситаларининг бузилиши, темир йўлларда бахтсиз ҳодисалар рўй бериши юзасидан 10 йилга озодликдан маҳрум этиш кераклиги ҳақида кўрсатмалар берилди. Урушгача юқорида кўрсатилган жиноятлар учун ишлаб турган жойида ойлик маошидан 25% чегириб қолиш шарти билан 6 ойлик муддатга мажбурий меҳнатга ҳукм қилинган⁸. 1943 йил 15 апрелда Олий Совет Президиумининг «Барча темир йўлларда ҳарбий ҳолат ўрнатиш ҳақида»ги махсус қарори чиқиб, унда темир йўллар ҳарбий ҳолатга ўтказилганлиги эълон қилинди. Темир йўлчилар сафарбар этилган деб ҳисобланиб, темир йўл ходимларига ҳарбийлардек жавобгарлик юклатилди. Ҳарбий ҳолат, биринчи навбатда, интизомга риоя этишни мажбур қилиб қўйди. Темир йўлчилар жиноят содир этган ҳолатда, улар ишини ҳарбий трибуналлар кўриб чиқадиган ва уларга темир йўлчиларни жарима роталарига юбориш ҳуқуқини берадиган вазият юзага келди⁹.

Уруш йилларида Марказий Осиёда етакчи ҳисобланган Тошкент темир йўлининг аҳамияти ошди. Тошкент темир йўли собиқ Совет Иттифоқининг асосий темир йўллари рўйхатига киритилганди¹⁰. Ўрта

⁷ Усмонов Қ., Содиков М. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Тошкент: Шарқ, 2001. 150-бет.

⁸ Қизил Ўзбекистон. 1942 йил 22 ноябрь.

⁹ Правда. 1943 йил 16 апрель.

¹⁰ ЎзР МДА. 91-фонд, 8-рўйхат, 310-ийғма жилд, 24-варақ.

Осиёнинг тўрт республикаси таркибига кирувчи, 11 вилоятга хизмат қилувчи Тошкент темир йўли ҳам ҳарбий ҳолатга ўтказилди.

1941 йил июль-ноябрь ойларида умумий ҳисобда 1523 саноат корхонаси эвакуация қилинган бўлиб, шулардан 1360 та йирик корхона шарқий иқтисодий районларга кўчирилди. Худудий жиҳатдан кўчирилган корхоналар қуйидагича тақсимланди: 226 таси — Волгабўйига, 667 таси — Уралга, 244 таси — Фарбий Сибирга, 78 таси — Шарқий Сибирга, 308 таси — Ўрта Осиё ва Қозоғистонга кўчирилди¹¹.

Саноат корхоналарининг айнан юқорида келтирилган ҳудудларга кўчирилишини ҳарбий ва иқтисодий томондан тушунтириш мумкин эди.

Ҳарбий жиҳатдан ушбу ҳудудларга душман армияси ва авиацияси яқин вақт ичида боролмаслиги инobatга олинди. Иккинчидан, иқтисодий жиҳатдан корхоналарни қабул қилаётган ҳудуддаги саноат потенциали, урушгача мавжуд инфратузилманинг қай даражада ривожланганлиги ва кадрлар таъминотига аҳамият берилди. Масалан, Ўзбекистонга эвакуация қилинган саноат корхоналари ва фабрикаларнинг асосий қисмини қишлоқ хўжалиги, оғир ва ўрта машинасозлик, электротехника корхоналари ҳамда ярмидан камини енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ташкил этган. Агарда Ўзбекистонда эвакуация корхоналарини жойлаштириш ва ишга тушира олиш учун керакли инфраструктура ва кадрлар бўлмаганида, улар бу ерга жўнатилмасди.

Ўзбекистонга кўчирилган 104 та завод ва фабрика орасида Ленинград тўқимачилик машиналари заводи, «Россельмаш», «Қизил Оқсой», Сумск компрессор ва Днепропетровск карборунд заводлари, Москвадаги «Электрокабель» ва «Подёмник» заводлари, Темир йўллар халқ комиссарлигининг машинасозлик заводи, Киевдаги «Трассигнал» заводи, Сталинград кимё комбинати ва бошқалар бор эди¹².

Эвакуациянинг мураккаб шароитларда ўтиши туфайли энг замонавий ва керакли техника, жиҳоз, асбоб-ускуналар олиб чиқиб кетилди. Натижада эвакуация қилинган заводлар дастгоҳ ва ускуналари тўлиқ бўлмасди. Бундай ҳолатда асбоб-ускунаси тўлиқ бўлмаган корхона эвакуация қилинган жойида турдош корхона таркибига қўшиб юборилар ёки мустақил ишга тушганда тўлиқ қувватда ишлай олмас-

¹¹ В е р т А л е к с а н д р . Россия в войне 1941–1945. Авторизованный перевод с английского. М.: Воениздат, 1967. 148-бет.

¹² Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамакачилиги даврида ... 440-бет.

ди. 1942 йил октябрда Хонободда (Андижон вилояти) ишга тушган ва Белоруссиянинг Речинск шахридан эвакуация қилинган тери ишлаш заводи асбоб-ускунаси тўлиқ бўлмаганлиги туфайли қуйидаги ҳолатни кузатишимиз мумкин эди: завод эвакуациядан олдин йилига 2100 т маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, янги жойда эса ишлаб чиқариш йиллик қуввати 1000 т гача тушиб қолганди¹³.

Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб кўчирилган корхоналарни жойлаштиришда маҳаллий шароитлар ва инфраструктура инобатга олинарди. Жумладан, машинасозлик ва оғир металлургия корхоналари, асосан, Тошкент ва бошқа йирик саноат корхоналари мавжуд шаҳарларга жойлаштирилди. Енгил саноат корхоналарининг кўпчилиги Фарғона водийсига жўнатилди. Шунингдек, ҳарбий саноатга боғлиқ бўлмаган корхоналарни кўчиришда уларнинг маҳсулотларига талаб ҳам инобатга олинган. Ўзбекистоннинг қуруқ саноат елимига талаби ва уни ишлаб чиқаришга керак бўлган чиқинди хомашёнинг мавжудлиги ҳисобга олиниб, Тошкентга «Москлеяпром» корхонаси эвакуация қилинди¹⁴.

Ўзбекистонга кўчирилган корхоналарнинг ҳаммаси ҳам мустакил фаолият олиб бормаган. Кўчирилган асбоб-ускуналар асосида 47 янги корхоналар барпо этилиб, маҳаллий корхоналар қуввати оширилди¹⁵. Одатда асбоб-ускунаси тўлиқ етиб келмаган ва бир цехда жойлашган бир соҳа корхоналари бир-бирига қўшиб юборилган. Тошкентга эвакуация қилинган Ленинград машинасозлик заводи ва «Росселмаш»нинг бир бинода жойлаштирилиши уларнинг тезкор ишга туширилишига ҳалақит берарди. Муаммолар биринчи навбатда бошқарувга тегишли бўлиб, икки директорнинг бўлиши ташкилий масалаларни қийинлаштирган. Шунинг учун икки завод қўшиб юборилиб, ягона бошқарувга ўтилди¹⁶. Заводлар бирлаштирилишида қуйидаги ижобий натижаларни кўрсатиб ўтиш мумкин эди: ягона бошқарув директорнинг масъулиятини оширган, ягона заводда ишлаб чиқариш қуввати юқорироқ бўлган ва энг асосийси, завод фронт учун тезроқ маҳсулот бера бошлаган. Агар завод қурилиши 1941 йилда бошланган бўлса, у одатда ноябрь охиридан илк маҳсулот бера бошларди.

Кўчирилган корхоналарни вақтида ишга тушириш устидан доимо назорат олиб борилган. 1941 йил 9 ноябрдаги Давлат Мудофаа

¹³ Белорусы в Советском тылу. Выпуск 1. (Июль 1941 г. – 1942 г.). Минск: НАРБ, 2010. 95-бет.

¹⁴ ЎЗР МДА. Р-837-фонд. 32-рўйхат, 3260-йигма жилд, 171-варақ.

¹⁵ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Ташкент: Фан, 1981. Т. 1. 114-бет.

¹⁶ ЎЗР МДА. Р-837-фонд, 32-рўйхат, 2787-йигма жилд, 120-варақ.

Комитетининг қарорига кўра, кўчирилган корхоналарни ишга тушириш вақти ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми 1941 йил ноябрь-декабрь ойлари ва 1942 йил январь ойи учун аниқ белгиланиб берилди¹⁷.

Ўзбекистонда кўчирилган корхоналарни қабул қилиш, жойлаштириш ва ишга тушириш масалаларини тезкорлик билан ҳал қилиш мақсадида махсус комиссия тузилди¹⁸. Республика вилоятларида эса республика комиссиясига бўйсунувчи вилоят комиссиялари фаолият олиб борди. Комиссиялар фабрика ва завод раҳбарлари билан бевосита алоқа ўрнатиб, корхоналарнинг жойлашув ҳудудлари, ишга тушириш вақти, уларни хомашё ва ишчи кучи билан таъминлаш масалаларини ҳал этарди.

Эвакуация қилинган корхоналарни махсус мослаштирилган иншоотларга жойлаштириш ҳам муаммога айланди. Қисқа вақт ичида кўчирилган 100 га яқин корхонага ишлаб чиқариш биноларини қуриб беришга республиканинг имконияти йўқ эди. Дастлаб, заводлар дастгоҳлари биноларга жойлаштирилмаган. Лекин бундай шароитлар ишчиларга ноқулайликлар туғдирса, иккинчи томондан дастгоҳлар ва техникага зарар етказарди. Юзага келган бинолар тақчиллигини қисман бўлса-да ҳал этишга ҳаракат қилинди. 1941 йил 11 сентябрдаги СССР ХКК нинг қарорига кўра, уруш даври шароитида вақтинчалик цехлар ёки иморатлар қурилишида маҳаллий материаллардан фойдаланишга рухсат этилди¹⁹. Маълумки, Ўрта Осиёда маҳаллий қурилиш материали, асосан, хом гишт ҳисобланарди. Халқ услубида ва маҳаллий қурилиш материалларидан тезлик билан қурилган завод бинолари архитектура ва техник талаблардан анча йироқ эди. Шундай бўлса-да, бу усул билан қурилган бинолар саноат иншоотларига бўлган талабни тез, арзон ва асосийси, республиканинг ўз кучи билан қондирилишига имкон берди.

Ўзбекистон бўйича эвакуация қилинган корхоналарга республика балансидаги бинолардан 400 минг метр² жой ажратилди ва қўшимча 200 минг метр² қуриб берилди²⁰. Эвакуация қилинган корхоналарга бирданига 400 минг метр² биноларни топиб бериш осон масала бўлмай, ишлаб чиқариш баъзида бунинг учун мўлжалланмаган жойларда ҳам

¹⁷ Экономическая жизнь СССР (хроника событий и фактов). Книга первая. М.: Советская энциклопедия, 1984. 337-бет.

¹⁸ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Т. 1. ... 115-бет.

¹⁹ Директивы КПСС и Советского правительства по хозяйственным вопросам. М.: Политиздат, 1957. Т. 2. 712-бет.

²⁰ Советская экономика в период Великой Отечественной войны 1941–1945 гг. М.: Наука, 1970. 158-бет.

ташқил этилди. Тезликда корхоналарнинг ишга туширилиши шаҳарлар ҳаёти ва қиёфаси, шаҳарликлар турмуш тарзига ўзига хос ўзгартириш киритди.

Ўзбекистон ХКК қошидаги Архитектура-қурилиш комиссиясининг 1942 йил мартгача бўлган текширувлари натижаларига кўра, Тошкентга эвакуация қилинган корхоналарнинг деярли ҳеч бири (Карборунд заводидан ташқари) 1938 йилда қабул қилинган шаҳар Бош лойиҳаси бўйича жойлаштирилмади. Ишлаб чиқаришга умуман мўлжалланмаган биноларда жойлашган корхоналар ўзларига, ён атрофдаги аҳоли ва экологияга зарар етказардилар. Эвакуация қилинган корхоналардан бири (архив ҳужжатида номи берилмаган. — Х.Б.) Санъат музейи ва унинг атрофидаги уйларга жойлашган²¹. Шаҳар марказида жойлашган заводлар усқуналаридан чиқётган шовқин-сурон ва чанг-тўзон одамлар саломатлигига хавф туғдирган.

Завод биноларининг тезликда барпо этилиши канализация ва оқава сувларни тозаловчи иншоотлар қурилишини иккинчи ўринга қўйди. Энди одамлар ўртасида ноқулайлик эмас, оммавий касалланиш ва захарланиш хавфи пайдо бўлди. Гап шундаки, 1942 йилда ҳам Тошкентда марказлашган водопровод ва канализация тизими йўқ эди. Тозалаш тизимига эга бўлмаган корхоналар оқавалари тўғридан-тўғри шаҳарликларнинг асосий ичимлик суви манбалари бўлган — Бўзсув, Салор, Зоғариқ каналларига тушарди. Архитектура-қурилиш комиссияси ҳулосасида Тошкентдаги санитария ҳолати ўта хавфли эканлиги очиқдан-очиқ тан олинди²².

Эвакуация корхоналарини ишга туширишда транспорт, бино, ишчи кучи масалаларини ҳал этишнинг ўзи кифоя эмас эди. Юзлаб заводларни кўчириб келтириб, янги жойда ишга тушириш учун анчагина маблағ зарур эди. Дастлаб кўчирилган корхоналарнинг ёқилги фондлари бўлмай, бензин ёки керосиннинг етишмаслиги темир йўллардан асбоб-усқуналарни олиб чиқиб кетишни қийинлаштирган. Ўзбекистон республика фондларидан уларга ёрдам берди²³. Кўчириб келтирилган корхоналарни жойлаштириш ва уларни ишга туширишга республика бюджетидан 450 миллион рубль пул сарфланди²⁴.

²¹ ЎЗР М.Д.А. Р-837-фонд. 32-руйхат. 3514-йиғма жилд. 3-варақ.

²² ЎЗР М.Д.А. Р-837-фонд. 32-руйхат. 3514-йиғма жилд. 5-варақ.

²³ ЎЗР М.Д.А. Р-837-фонд. 32-руйхат. 2787-йиғма жилд. 108-варақ.

²⁴ Х а к и м о в Г. А. Ўзбекистонга уруш вақтида кўчириб келтирилган корхоналарнинг тиклаш ва ишга тушириш тарихидан // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари). Тошкент, 1996. 205-бет.

Ўзбекистонга кўчирилган корхоналарнинг кўпчилиги урушгача ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқармас эди. Уруш талабидан келиб кўчирилган корхоналар ишини ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қайта қуриш зарур эди. Бу жараён технологик жараёнларни ўзгартириш, ишлаб чиқаришга қўшимча асбоб-ускуналарни жалб қилишни талаб этарди. Ўзбекистондаги фабрика ва заводлар ички имкониятлардан келиб чиқиб ўзларига тегишли асбоб-ускуналарнинг маълум қисмини кўчирилган корхоналарга бердилар. Шунингдек, кўчирилган ва маҳаллий корхоналар ўртасида кооператив ҳамкорлик юзага келди.

Ўзбекистонга кўплаб корхоналарнинг асбоб-ускуналари ва аҳолининг кўчирилиши, янги заводлар қурилиши ва фойдали қазилма конларининг очилиши энергетика базасининг тезликда ривожланишини талаб этди. Асбоб-ускуналарга электр энергияси етказилиб берилмаса, улар жонсиз ва кераксиз темирдан ўзга нарса бўлмас эди.

Иккинчи жаҳон урушигача Ўзбекистонда электр тизими нисбатан кучсиз ривожланган бўлиб, электр станцияларининг умумий қуввати 170 минг кВт.га тенг эди²⁵. Ўзбекистон электр энергияси тизими Чирчиқ-Бўзсув ГЭСлар каскади, Тошкент ТЭЦ, Қувасой ГРЭС ва бир қанча майда шаҳар ТЭЦлари ҳамда корхоналардаги дизель генераторлар ташкил этган.

Ўзбекистонга корхоналарнинг кўчирилиши ва мавжуд корхоналар ишлаб чиқариш қувватларининг ўсиши натижасида юзага келган электр энергия танқислигини икки йўналишда ҳал этиш мумкин эди: мавжуд электр энергияни иқтисод қилиш ва қайта тақсимлаш, иккинчидан, янги электр станцияларини қуриш.

Иқтисодиётни тезликда трансформация қилишда биринчи йўналиш кўпроқ аҳамиятлироқ эди. Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда янги қурилиши бошланган электростанциялар, асосан, 1942–1943 йилларда ишга туширилди. Ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг янги электр станциялар қурилишини кутиб туришга умуман иложи йўқ эди. Бундай вазиятда электр энергияни қайта тақсимлаш, тежамкорлик ва тезликда вақтинчалик электр энергияси манбаларини топиш аҳамиятлироқ эди.

1941 йил октябрдан дастлабки кўчирилган корхоналарнинг ишга туширилиши билан электр энергияси танқислиги сезила бошлади. Маълумки, Ўзбекистон деярли 90% электр энергияни ГЭС лардан оларди.

²⁵ Ф а з ы л о в Х. Ф. Энергетика Узбекистана в годы войны // Фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси (Илмий-назарий конференция материаллари) ... 162-бет.

ГЭСлар куз-қиш ойларида сувнинг оқими камайиши билан камроқ электр энергия ишлаб чиқарадилар. Масалан, 1941 йилда Чирчиқ ГЭС ва унга турдош ГЭСлар қуввати 123 мегаватт бўлса, қиш ойларида уларнинг қуввати 83 мегаваттгача тушиб кетди²⁶. Бир томонлама электр энергияси ишлаб чиқариш қисқараётган ҳолатда, унга бўлган талаб ошиб кетди. Электр энергияси этишмаслиги ва корхоналарнинг ишсиз туриб қолиши эвакуация билан боғлиқ барча ишларни йўққа чиқарарди.

Электр энергияси тақчиллигини камайтириш учун янги электр станциялар қуриш ва мавжудларининг қувватини оширишга киришилди. Ҳисоб-китобларга кўра, 1942 йил охиригача янги станциялар қурилиши тугалланар ва мавжуд станцияларнинг қувватини ошириш учун эса 4–6 ой талаб қилинарди. Юқорида таъкидланганидек, ортиқча электр энергия 1941 йилнинг ўзидаёқ керак эди. 1941 йил ноябрь ойида биргина Тошкент ва Чирчиқ ҳудудида электр энергияси тақчиллиги ўн миллион кВт/соатни ташкил этди²⁷. Бундай ҳолат эвакуация режасининг барбод бўлишига олиб келиши мумкин эди.

Бошқа томондан, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва эвакуация қилинган корхоналарнинг ишини бир маромда таъминлаш учун электр энергияни иқтисод қилиш бошланди. 1942 йил 23 апрелда Ўзбекистон Савдо Халқ Комиссарлиги ўз муассасаларига берган буйруғида электр энергияни тежашнинг қуйидаги йўллари белгилаган эди: чироқни кундузи ёқмаслик, дераза ойналарини бўёқ ва чангдан тозалаш (улар ҳам маълум фоиз ёруғликни тутиб қолиши мумкин экан), ишлатилмаётган чироқни ўчириб юриш²⁸. Бошқа корхоналарда кўп қувватли лампочкалар кам қувватлисига алмаштирилди.

Ўзбекистонда мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, янги электр станциялари қурилди ва мавжудларининг қуввати оширилиши билан электр энергияси муаммоси ижобий ҳал этилди. Ўзбекистонда электр энергияси танқислиги тугатилишининг асосий сабаби бир неча гидроэлектрстанцияларнинг қурилиши бўлди. Уруш йилларида Ўзбекистоннинг энг йирик гидроэлектрстанцияси — Фарҳод ГЭС, Бўзсув дарёси ўзанларида Товоқсой, Оққовоқ, Салар, Қуйибўзсув, Оқтепа, Қибрай ГЭСлари, Самарқанд вилоятида Талигулон ГЭС, 30 га яқин кичик колхоз ГЭС лари, шаҳарлар ва йирик корхоналар ёнида кичик ТЭСлар қурилиб ишга туширилди²⁹.

²⁶ ЎзР МДА. Р-837-фонд. 32-рўйхат, 2786-йиғма жилд, 240-варақ.

²⁷ Ўша жойда. 3-варақ.

²⁸ Ўша жойда. Р-91-фонд, 8-рўйхаг, 301-йиғма жилд, 19-варақ.

²⁹ Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Тошкент: Шарқ, 2001. 146-бет.

1940 йил республика бўйича 480,8 млн. киловатт/соат электр энергия ишлаб чиқарилган бўлса, 1941 йилда — 907,6, 1942 йилда — 1004,0, 1943 йилда — 1148,3, 1944 йилда — 1227,8 млн. киловатт/соат электр энергия ишлаб чиқарилди³⁰. Электр энергия танқислиги 1944 йилгача давом этган бўлса-да, тежамкорлик ва қайта тақсимлаш туфайли ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар ишида жиддий тўхташлар бўлмади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга 100 дан ортиқ саноат корхонасининг кўчирилиши ва тезликда ишга туширилиши СССР ҳарбий салоҳиятини оширишга салмоқли ҳисса қўшди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида амалга оширилган эвакуация ўз моҳиятига кўра улкан ташкилотчилик ва ишлаб чиқариш тадбири эди. Маршал Г.К. Жуков эвакуацияни «Иккинчи жаҳон урушининг йирик жанглари қаторига қўшиш мумкин», деб фикр билдирган эди³¹. 1941–1942 йиллардаги эвакуация жараёни кўпол камчиликлар, зўравонлик ва йўқотишлар билан амалга оширилган бўлса-да, у ўзининг асосий мақсадига — тинч аҳоли маълум қисмини фашист босқинчиларидан асраб қолиш, саноат ва қишлоқ хўжалигини шарққа кўчириш ва бу ерда ишлаб чиқаришни ташкил этишни удалади.

Фашистлар Германияси кўшинларининг ҳужуми собиқ Иттифоқда тегишли ҳарбий захиралар ва ишлаб чиқариш воситаларининг йўқ қилинишига олиб келди. Лекин урушни давом эттириш учун қурол-яроғ зарур эди. Собиқ Иттифоқнинг ғарбий ҳудудларидаги ишлаб чиқариш қувватларини максимал сақлаб қолиш мақсадида уларни хавфсизроқ ҳисобланган шарқий ҳудудлар (Урал, Ғарбий Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозоғистон) га кўчирилди. Мазкур жараённи амалга оширишда Ўзбекистон транспорт тизими, ишчи ва муҳандис кадрлари, саноат корхоналари ҳам ўз ҳиссасини қўшди.

Уруш йилларида Ўзбекистонга кўчирилган корхоналарни монтаж қилиш, уларни ишчи кучи, хомашё, электр энергияси ва маблағ билан таъминлашда жиддий қийинчилик ва етишмовчиликка дуч келинди. 1942–1943 йилларда Ўзбекистоннинг барча моддий ва молиявий ресурслари, ишчи кучи ҳарбий иқтисодий тиклашга қаратилди. Шу йилларда Ўзбекистонга кўчирилган корхоналар тўлиқ ишлаб чиқариш қувватларига ўтиб, асосан, ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқарганлар.

³⁰ Народное хозяйство СССР в Великой Отечественной войне 1941–1945 гг. Статистический сборник. М.: Информационно-издательский центр Госкомстата СССР. 1990. 60-бет.

³¹ Куманев Г.А. Война и эвакуация в СССР // Новая и новейшая история. 2006. № 6.

1941 йил охирига келиб шарқий ҳудудлар (Урал, Фарбий Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозоғистон) чинакамига СССР нинг асосий саноат, хомашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таъминотчисига айланиб қолди. 1941 йилнинг иккинчи ярми ва 1942 йилда давлат иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти барча соҳаларининг трансформацияси натижасида собиқ Иттифоқнинг шарқий ҳудудлари, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳарбий-саноат комплекси яратилди. Иқтисодиётнинг трансформацион жараёнлари натижасида армиянинг қурол-яроғ ва бошқа керакли маҳсулотлар билан муттасил таъминланиши ҳамда саноат учун зарур асосий хомашё ва фойдали қазилмалар билан таъминот масалалари ҳал этилди.

Х. БАБАДЖАНОВ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА САНОАТ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ОККУПАЦИЯ ҲУДУДЛАРИДАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛИШИ, ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ ВА ФАОЛИЯТИ

Ушбу мақолада мавжуд адабиёт ва даврий нашр маълумотлари, архив материаллари асосида Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга саноат эвакуациясининг умумий манзараси ва бу жараён билан боғлиқ муаммолар ёритилиб берилган. Шунингдек, мақолада кўчирилган корхоналарни жойлаштириш, ишга тушириш, уларга иқтисодий инфратузилма яратиш ҳамда моддий таъминот масалаларида Ўзбекистоннинг роли кўрсатилиб берилган.

Калит сўзлар: ҳарбий ҳолат, саноат эвакуацияси, темир йўл транспорти, кадрлар ва ишлаб чиқариш муаммолари, халқ хўжалигини қайта қуриш.

Х. БАБАДЖАНОВ

СОЗДАНИЕ БАЗЫ ДЛЯ ЭВАКУИРОВАННЫХ В УЗБЕКИСТАН ПРЕДПРИЯТИЙ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ

В статье на основе имеющейся литературы, материалов периодических изданий и архивных документов представлена общая картина и проблемы промышленной эвакуации в Узбекистане в годы Второй мировой войны, а также роль Узбекистана при размещении, материальной поддержке и создании инфраструктурной базы для эвакуированных предприятий.

Х. BABADJANOV

CREATION OF INFRASTRUCTURE BASES FOR EVACUATED ENTERPRISES TO UZBEKISTAN DURING THE SECOND WORLD WAR

Based on available literature, materials of periodicals and archive documents this article illustrates general picture and problems of industrial evacuation to Uzbekistan during the Second World War. The article also describes the role of Uzbekistan in accommodating, providing material support and creating infrastructure bases for evacuated enterprises.

М. РАХИМОВ

W

ОБРАЗОВАНИЕ МИД УЗБЕКИСТАНА И ХАРАКТЕР ЕГО ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В РАМКАХ СОВЕТСКОЙ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ

В начале XX в. в Центральной Азии произошли сложные политические процессы, которые сильно повлияли на развитие международных связей. После прихода к власти большевиков, создания Туркестанской Автономной Республики (1918 г.), Бухарской и Хорезмской Народных Республик (1920 г.) в Средней Азии начался новый политический процесс. В 1919 г. постановлением Турккомиссии ВЦИК и СНК РСФСР в Туркестанской республике (1918–1924 гг.) был организован отдел внешней торговли, работа которого была направлена на создание товарного фонда, необходимого для экспортных операций. Однако стремление сосредоточить управление этой важной сферой в руках Центра привело к тому, что уже в 1920 г. указанный отдел был заменен Управлением уполномоченного Наркомата внешней торговли (НКВТ), который затем был преобразован в представительство Наркомвнешторга РСФСР в Средней Азии¹. После проведения национально-государственного размежевания Средней Азии вся работа по руководству внешней торговлей была передана уполномоченным НКВТ СССР в союзных республиках в целях осуществления полного контроля за деятельностью на местах. НКВТ принял решение оставить в регионе свое представительство в качестве инспектирующего органа². Узбекская ССР осуществляла все контакты через данное ведомство. Агентства Комиссариата иностранных дел СССР были открыты также в Душанбе, Пишпекке и Термезе³.

С момента образования советская власть стремилась вести активный дипломатический диалог с Турцией, Афганистаном и пыталась вовлечь в этот процесс республики Центральной Азии. Международные связи советских республик Центральной Азии прямо и непосредственно определялись поворотами во внутренней и внешней

¹ Бакаева Ф. Х. Внешнеэкономические связи Узбекской ССР. Ташкент: Фан, 1988. С. 37–38.

² Центральный государственный архив Республики Узбекистан (далее — ЦГА РУз). Ф. 837, оп. 42, ед. хр. 1678, л. 37.

³ Ежегодник Народного Комиссариата по иностранным делам. М.: Лит. изд-во, 1926. С. 63; Кузьмина Е. М. У истоков создания внешнеполитического ведомства Узбекистана // Халқаро муносабатлар. Тошкент, 1999. № 3. С. 34–41.

политике СССР. Так, в январе 1944 г. решением 10-й сессии Верховного Совета СССР было принято решение об образовании Народных Комиссариатов иностранных дел союзных республик. В феврале 1944 г. был принят Закон «О предоставлении союзным республикам полномочий в области внешних сношений и о преобразовании в связи с этим Народного комиссариата иностранных дел из общесоюзного в союзно-республиканский Народный комиссариат», а также внесены изменения в Конституцию СССР⁴. Согласно Закону республики СССР должны были получить право самостоятельно вступать в международные отношения. Данное изменение также было внесено в статью 18 пункт «а» Конституции СССР 1938 г.: «Каждая союзная республика имеет право вступать в непосредственные сношения с иностранными государствами и заключать с ними соглашения». В июле 1944 г. в Узбекистане было организовано Управление уполномоченного Министерства внешней торговли (МВТ) СССР при Совете Министров республики⁵.

В сентябре 1944 г. был принят Закон Верховного Совета УзССР о создании Народного Комиссариата иностранных дел УзССР. В период 1943–1944 гг. также были созданы Академии наук в республиках, Среднеазиатское духовное управление мусульман (САДУМ) в г. Ташкенте. Данные действия Советской власти, по нашему мнению, отражают стремление предоставить республикам некоторые атрибуты государственности и уменьшить критику стран Запада в сфере антирелигиозной политики.

Решение о создании МИД в советских республиках также было вызвано геостратегическими интересами СССР и процессом формирования новой структуры международных отношений в конце Второй мировой войны, в частности, в вопросе создания ООН. В период с 21 августа по 28 сентября 1944 г. в Думбартон-Оксе (США)⁶ состоялась встреча экспертов, юристов, историков, дипломатов СССР, США и Великобритании, на которой обсуждалось и планировалось приня-

⁴ «О предоставлении союзным республикам полномочий в области внешних сношений и о преобразовании в связи с этим Народного комиссариата иностранных дел из общесоюзного в союзно-республиканский Народный комиссариат». Закон от 01.02.1944 г. // Сборник законов СССР и указов ПВС СССР. 1938–1958 гг. М.: Юридическая литература, 1959. С. 32–33.

⁵ ШГА РУз. Ф. 837, оп. 42, ел. хр. 1678, л. 37; Очерки истории Министерства иностранных дел России. Т. 2. 1917–2002. М.: Олния-Пресс, 2002. С. 305–306.

⁶ В 2011 г. автор раздела посетил Думбартон-Окс, Вашингтон, где находится музей, включающий также материалы, фотографии данной встречи.

тие проекта Устава, принципов голосования и принятие решения о новой организации, т. е. ООН. В процессе обсуждения Великобритания и ее доминионы, США и страны Латинской Америки, с одной стороны, СССР — с другой, стояли на разных позициях. Дело в том, что 24 августа СССР впервые предложил включить союзные советские республики в число имеющих право голосования⁷. В результате долгих переговоров СССР, США и Великобритания согласились на включение нескольких стран — членов их сообществ, в случае с Британией — членов его сообщества, США — некоторых штатов. Однако позже США отказались от этих прав, аргументируя, что это противоречит Конституции страны, где указывается, что отдельные штаты не могут ввести внешнюю политику.

Усилия СССР оказались менее результативными, и в октябре 1945 г. была образована ООН, в состав которой вошли СССР, Украина и Белоруссия, а остальным республикам, включая Узбекскую ССР, было отказано. Хотя МИД союзных республик не были ликвидированы, они не имели реального права во внешнеполитических событиях.

В результате обсуждения послевоенного мира и в стремлениях расширения влияния СССР союзные республики получили право внешнеполитической деятельности и были созданы МИД республик. Данное право позволило наладить ограниченные связи, практически весь процесс внешнеполитической деятельности осуществлялся союзным ведомством.

Внешнеполитическими ведомствами Украины и Белоруссии заключались отдельные договоры с различными организациями и программами ООН и другими международными организациями, однако в реальности все было под контролем МИД СССР.

Деятельность МИД республик Центральной Азии в основном носила декларативный характер, однако постепенно они были вовлечены в процесс международных отношений СССР со странами Азии. В частности, в 1947 г. во время работы совместной комиссии по демаркации советско-афганской границы, проходившей в Ташкенте, МИД УзССР предоставило свое здание, однако непосредственного участия не принимало.

В структурном отношении в состав МИД Узбекской ССР входили: министр, заместитель министра, помощник министра, полити-

⁷ Советский Союз на международных конференциях. Т. 3. Конференция представителей СССР, США и Великобритании в Думбартон-Оксе, 21 августа–28 сентября 1944 г. Москва, 1984. С. 136; Очерки истории Министерства иностранных дел России. Т. 2. Москва, 2002. С. 319.

ческий отдел, первый секретарь, протокольный отдел, второй секретарь, ответственный референт, дипломатический курьер, главный бухгалтер, секретарь-стенографист, садовник, шофер, т. е. штат состоял из 11 человек⁸. Следует заметить, что в разные годы штатное расписание менялось.

В период существования МИД Узбекистана его возглавляли известные дипломаты и ученые — Я. Алиев, Б. Абдураззоков, У. Абдураззоков, С. Азимов, А. Бобохужаев. Руководители узбекского внешнеполитического ведомства выступали с докладами на различных международных форумах. В частности, в 1950 г. на заседании сессии Генеральной Ассамблеи ООН министр иностранных дел Узбекистана Абдусамат Бабаходжаев выступил с докладом.

Следует отметить, что представители Узбекистана проходили обучение в Московском Институте Международных отношений, где получили дипломы и работали в дипломатических ведомствах и учреждениях СССР⁹.

Дипломаты Узбекистана от СССР принимали участие в качестве представителей на Генеральной Ассамблее ООН, а также в деятельности некоторых организаций и специальных органах ООН, включая Экономическую комиссию ООН для Азии и Дальнего Востока (ЭКАДВ), ЭКА, ЮНЕСКО, МОТ, ВОЗ и т. д. Так, представитель Узбекистана Г. Абдурашидов был резидентом-представителем программы развития ООН в Сомали.

Узбекские дипломаты и представители в Министерстве иностранных дел служили в зарубежных посольствах и консульствах. Так С. Азимов был послом в Ливане, Н. А. Мухидинов — в Сирии, Р. Н. Нишанов — в Шри-Ланка, А. М. Барнохаджаев — консулом СССР в Триполи (Ливия), Т. Отаходжаев — вице-консулом в Алеппо (Сирия), А. Жураев — третьим секретарем в посольстве СССР в Индонезии, К. Юсупов — третьим секретарем посольства СССР в Судане и др. Как видно, представители Узбекистана преимущественно отправлялись в страны Азии и Северной Африки.

СССР и его внешнеполитическое ведомство активно использовало возможности общественной дипломатии союзных республик. Так, представители Узбекистана принимали активное участие в деятель-

⁸ ЦГА УзР. Ф. 2037, 3.8, ед. хр. л. 4–5.

⁹ Раҳимбоева Д. Узбекистонда дипломатия хизматининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи (1944–2001 йиллар: Ташқи ишлар вазирлиги мисолида) // Тарих фанлари номзоди ... дисс. автореф. Тошкент, 2007. 14-бет.

ности международных общественных организаций, таких как Ассоциация писателей стран Азии и Африки, Международная демократическая женская федерация, Международный совет мира, Всемирное объединение журналистов, Всемирная демократическая федерация молодежи и т.д.

В столице Узбекистана действовали зарубежные представительства, включая Генеральное консульство Республики Афганистан, Генеральное консульство Республики Индонезия, Генеральное консульство Латвийской Республики, главное консульство Монгольской Народной Республики, Консульский пункт посольства Кубы в СССР. Однако общее руководство осуществлялось через Министерство иностранных дел СССР.

Узбекистан стал местом проведения различных межгосударственных и международных форумов, в частности, Международного кинофестиваля стран Азии, Африки и Латинской Америки. Проведенный впервые в 1968 г. кинофорум, обрел традиционный характер, стал проводиться через каждые два года, и за 1968–1988 гг. было проведено десять кинофестивалей¹⁰.

В начале января 1966 г. в Ташкенте была организована встреча по подписанию мирного соглашения между Индией и Пакистаном. Дело в том, что в 1965 г. в районе Кашмира разразившаяся первая крупная война между Индией и Пакистаном грозила перейти в мировую войну, страны нуждались в дополнительной военной технике и втягивали в бойню основных поставщиков оружия, а именно США, Китай и СССР. Посреднические страны и представители ООН не могли остановить кровопролитие.

Попытку примирения двух сторон решили организовать в Ташкенте под руководством руководителя УзССР Ш. Р. Рашидова, который имел международный авторитет. Давние исторические связи Узбекистана с народами Пакистана и Индии, а также отдаленность от больших государств, поддерживающих одну из стран, придавала встрече статус нейтральности обстановки. Со стороны Ш. Р. Рашидова были организованы приглашения на переговоры премьер-министра Индии Лала Бахадура Шастри и руководителя Пакистана генерала Мухамеда Аюб-хана. Из Москвы прибыла делегация во главе с председателем правительства СССР А. Косыгиным. Переговоры были трудными, каждая воюющая страна считала себя обиженной и выдвигала неприемле-

¹⁰ ЦГА РУз. Ф. 2564, оп.1, д. 826, л. 2–4.

мые условия. Через неделю, после сложных переговоров, было подписано соглашение о завершении войны и объявлении мира между Индией и Пакистаном.

Ташкентская декларация «О прекращении боевых действий, отводе войск и восстановлении дипломатических отношений» была подписана 10 января 1966 г. в результате встречи президента Пакистана М. Айюб Хана с премьер-министром Индии Л. Б. Шастри. Декларация предусматривала меры по ликвидации последствий конфликта: отвод вооруженных сил обеих стран на позиции, которые они занимали до начала вооруженного столкновения, возобновление нормальной деятельности дипломатических представительств, обсуждение мер по восстановлению между Индией и Пакистаном экономических и торговых связей и прочее¹¹. Ташкентская декларация создала реальную основу для решения спорных вопросов в отношениях между Индией и Пакистаном.

Успешное заключение мира между Индией и Пакистаном в Ташкенте привлекло внимание мировой общественности к Республике Узбекистан.

История развития международных отношений СССР свидетельствует о подключении Узбекистана, в отдельных случаях, к ряду политических мероприятий. Так, Ш. Рашидов был главой советской делегации на Кубу во время Карибского кризиса. В статьях, посвященных годовщине Карибского (кубинского) кризиса, описываются события тех времен. В частности, в РИА «Новости» от 18.10.2010 г. выделяются строки из книги С. Лавренева, И. Попова «Советский Союз в локальных войнах и конфликтах»: «31 мая 1962 г. на Кубу прилетает представительная советская делегация во главе с Ш. Рашидовым. Советская делегация вначале вызвала у Ф. Кастро недоумение и даже замешательство, однако затем, выслушав аргументы Ш. Рашидова, «команданте» Фидель согласился с советским проектом: «Если это нужно для укрепления социалистического лагеря»».

В Узбекистане проходили важнейшие международные форумы, общественно-политические саммиты, фестивали и крупные спортивные соревнования. Часто город становился местом региональных саммитов и форумов, куда съезжались главы многих государств, специальные представители международных институтов. В Узбекистане проводились творческие встречи работников науки и культуры стран

¹¹ Ташкентская декларация / Правда. 11 января 1966 г.

Азии, Африки, Латинской Америки. Ташкент стал символической столицей Центральной Азии. Не случайно Организация Объединенных Наций наделила Ташкент особым статусом «Посланника Мира».

После Второй мировой войны союзные республики стали принимать участие в решении вопросов внешнеэкономического сотрудничества с зарубежными странами. Так, начиная с 1949 г. Узбекистан, помимо хлопка, стал поставлять также промышленную продукцию в такие страны, как Польша, Болгария, Румыния, Чехословакия и другие страны Восточной Европы¹². Постепенно он стал занимать одно из передовых мест в системе производственных связей СССР со странами Совета Экономической Взаимопомощи (СЭВ). По объему экспортных поставок ему принадлежало третье место среди союзных республик после Российской Федерации и Украины.

По мере смягчения международной напряженности советская внешнеполитическая доктрина стала предусматривать также налаживание экономического сотрудничества с так называемыми «развивающимися» странами того периода. Целью являлось втягивание и этой части мира в сферу своего влияния. Узбекистан экспортировал сельскохозяйственные машины, оборудование для химической и текстильной промышленности в такие страны, как Алжир, Афганистан, Египет, Индия, Иордания, Иран, Марокко, Сирия, Сомали, Судан, Эфиопия и др. На долю развивающихся стран приходилось две трети экспорта республики в несоциалистические страны¹³.

Процесс разрядки, его постепенное углубление обусловило расширение торгово-экономических связей СССР с промышленно развитыми странами Запада. Руководство Союза при этом стремилось использовать решение долгосрочных экономических отношений с Западом «для успешного выполнения задач плановой экономики»¹⁴.

Во взаимоотношениях Узбекистана с зарубежными странами важное значение имела подготовка кадров специалистов в вузах и средних специальных учебных заведениях республики, в основном, это посланцы таких стран, как Индия, Афганистан, Вьетнам, Сирия и др.¹⁵. Однако подготовка кадров имела преимущественно односторон-

¹² Абдуллаев Ш. М. Узбекистан в интернациональном содружестве СССР со странами — членами СЭВ. Ташкент: Фан, 1984. С. 43–45.

¹³ Рустамов У. А. Советский Узбекистан на международной арене. Ташкент: Узбекистан, 1979. С. 107.

¹⁴ Нуриддинов Э. З. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. Ташкент, 2002. С. 14.

¹⁵ ЦГА РУз. Ф. 2417, оп. 2, д. 69, л. 17; д. 609, л. 19.

ний характер. Студенческая молодежь республики не имела возможности, за редким исключением, обучаться в зарубежных вузах, особенно развитых стран. В международном гуманитарном и культурном диалоге, в условиях противоборства двух социальных систем, преобладал политический и идеологический фактор.

Как известно, 29 декабря 1979 г. СССР ввел советский «ограниченный контингент» войск в Афганистан. Решение об этом было принято узким кругом Политбюро, официально заявившим о готовности выполнить «Договор о дружбе и сотрудничестве» (1978 г.) между СССР и Афганистаном в лице Народно-демократической партии.

Вторжение СССР вызвало отрицательную реакцию в мусульманском мире — Саудовской Аравии, Пакистане, Иране, Ираке, Египте, Ливии, Индонезии, Судане¹⁶. В этих условиях СССР использовал конфессиональные связи мусульман за рубежом как важный элемент дипломатии. Так, Совет по делам религии СССР (СДР) тщательно разработал новую концепцию проведения международных мусульманских конференций.

В сентябре 1980 г. в Ташкенте состоялась конференция, посвященная наступлению XV века Хиджры, которая была призвана активизировать контакты с исламским миром. Исламабад и Тегеран призывали к бойкоту советских инициатив. Из 70 приглашенных делегаций прибыли 11, представлявших мусульманские страны просоветской ориентации — Афганистан, Южный Йемен, Сирия, Эфиопия и др. В заключительный день конференции было принято «Обращение ко всем мусульманам мира!», однако текст декларации вызвал негативную оценку участников, представители ряда делегаций заняли антисоветские позиции. После конференции три из четырех советских муфтиев, за исключением муфтия Среднеазиатского духовного управления (САДУМ, г. Ташкент), были смещены с должности за неспособность повернуть ход конференции в пользу СССР¹⁷. В официальной прессе не были опубликованы комментарии по результатам конференции.

Утрату влияния в мусульманских странах советские идеологи пытались компенсировать новыми теоретическими положениями — они теперь допускали, что ислам может иметь «позитивное значение

¹⁶ Мухтарова Г. Д. «Исламский фактор» во внешней политике СССР // Исторический опыт модернизации тюрко-мусульманских народов СССР. Актобе, 2008. С. 99–100.

¹⁷ Там же, с. 102.

в государственных структурах и обществах, находящихся на более низкой ступени развития, в обстоятельствах иных, чем те, что существовали в СССР»¹⁸.

Ввод войск в Афганистан кардинальным образом нарушил геополитическое равновесие в Центральной Азии. Хотя акция была направлена на усиление присутствия СССР в регионе, она фактически спровоцировала его ослабление. Советский Союз потерпел в Афганистане поражение, что повлекло падение его авторитета в мире, а также неоправданные затраты экономических, военных, финансовых ресурсов.

В середине 80-х гг. XX в. в СССР начался процесс «перестройки», который охватывал как внутреннюю, так и внешнюю политику союзного государства. На международной арене началась политика разрядки между главными «игроками» советского и западного блока – СССР и США. Результатом этой политики был вывод советских войск из Афганистана в конце 80-х гг. прошлого столетия.

Таким образом, решение о создании МИД УзССР и других советских республик было вызвано геостратегическими интересами СССР и процессом формирования новой структуры международных отношений того времени. Вместе с тем, формирование внешнеполитических институтов союзных республик квалифицировалась как наличие атрибутов государственности.

Узбекистан принимал ограниченное участие в различных внешнеполитических мероприятиях СССР, в развитии экономических и культурных связей. В условиях сверхцентрализованного унитарного советского тоталитарного государственного устройства центр лишь на словах признавал суверенитет союзных республик, что теоретически обосновывалось официальной наукой. Узбекистану предоставлялось изображать «процветающий советский Восток» перед высокими иностранными визитерами. Вместе с тем, в отдельных случаях Узбекистан был активно вовлечен в политику СССР в отношении Азиатских и мусульманских стран. Республика участвовала в экономических отношениях со странами социалистического блока и некоторыми странами Запада. Разрешаемые же центром опосредованные международные контакты носили дозированный, ярко выраженный идеологизированный характер и были призваны служить интересам союзного государства.

¹⁸ П р и м а к о в Е. М. Восток после краха колониализма. Москва, 1982. 212 с.

В настоящее время необходимо более детально изучать архивные данные, мемуары международных связей советского времени, а также целесообразно на основе методов устной истории опросить ныне живых участников или же членов их семей об их роли в различных мероприятиях, что позволит глубже понять весь комплекс внутриполитической и внешнеполитической конъюнктуры того периода.

М. РАХИМОВ

ОБРАЗОВАНИЕ МИД УЗБЕКИСТАНА И ХАРАКТЕР ЕГО ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В РАМКАХ СОВЕТСКОЙ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ

В статье на основе широкого материала рассматривается история создания МИД УзССР. Определяются основные причины создания внешнеполитических ведомств союзных республик, среди которых особо выделяется доминирование геостратегических интересов СССР. Раскрывается ограниченное участие Узбекистана в различных внешнеполитических мероприятиях СССР, в развитии экономических и культурных связей со странами Азии и Европы.

Ключевые слова: Узбекистан, СССР, Министерство иностранных дел, история, международные отношения.

М. РАХИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА УНИНГ СОВЕТ СИЁСИЙ ТИЗИМИ ДОИРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада кенг илмий манбалар асосида ЎзССР Ташқи ишлар вазирлигини ташкил этиш тарихи ёритилади. Иттифоқ республикаларида халқаро муносабат ташкилотлари ташкил этилишининг асосий сабаблари, шулар жумласидан СССРнинг геосиёсий манфаатлари алоҳида таъкидланади. Ўзбекистоннинг Советлар мамлакатининг турли халқаро сиёсий тадбирларида ҳамда Осиё ва Европа мамлакатлари билан иқтисодий ва маданий алоқаларида чегараланган фаолияти очиб берилган.

М. РАХИМОВ

ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF FOREIGN AFFAIRS OF UZBEKISTAN AND THE FORM OF ITS ACTIVITY IN THE FRAME OF SOVIET POLITICAL SYSTEM

On the basis of extensive material this article analyzes the history of creation of the Ministry of Foreign Affairs of Uzbek SSR. It identifies the main reasons for the establishment of foreign ministries in the union republics, among which it highlights the dominance of geo-strategic interests of the Soviet Union. It also reveals Uzbekistan's limited participation in various foreign policy activities of the USSR, in the development of economic and cultural relations with Asian and European countries.

ЭТНОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ**А. АШИРОВ****ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИГА ДОИР
НАШРЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР**

Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихини ўрганиш долзарб муаммолардан бирига айланди. Натижада мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимизнинг тарихий асослари кенг миқёсда ўрганила бошланди. Айнан истиқлолдан сўнг ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи илмий муаммо объекти бўлибгина қолмасдан, балки миллий мафкуранинг таркибий қисми тарзида тадқиқ қилинмоқда. Истиқлол йилларида совет давридан фарқли ўлароқ ўзбекларнинг келиб чиқиш тарихи борасида хилма-хил фикрлар ва қарашлар билдирилди. Бир гуруҳ муаллифлар ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосини илмий асосда тарихий манба ва адабиётлар асосида ёритишга ҳаракат қилган бўлсалар, бошқа бир гуруҳ муаллифлар масалани тўғри кўтариб чиққан бўлсалар-да, лекин муаммонинг назарий жиҳатларига эътибор қаратмасдан ҳамда етарлича тарихий манбаларга асосланмаган ҳолда қўйилган масалани бирмунча ноилмий ёритганлар.

Умуман олганда, ўтган йиллар давомида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи мавзуида бажарилган асарларни шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) тарихий йўналишда бажарилган академик тадқиқотлар;
- 2) бадий услубда ёзилган асарлар ва нашрлар;
- 3) хорижий муаллифларнинг илмий изланишлари.

Сўзимиз аввалида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур уч йўналишда бажарилган ишларни биргина мақола доирасида таҳлил қилишнинг имкони бўлмаганлиги боис, биз қуйида, асосан, ўзбекистонлик муаллифлар томонидан бажарилган тадқиқотлар таҳлили билан чегараланамиз.

Дастлаб ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини академик йўналишда ўрганган мутахассисларнинг тадқиқотларига тўхталиб ўтсак. Ўтган йиллар давомида бу мавзуни ўрганаётган мутахассислар озчиликни ташкил қилишига қарамасдан салмоқли нашрлар пайдо бўлди. Чунончи, истиқлол йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосига оид Б. Аҳмедов, К. Шониёзов, А. Асқаров, И. Жабборов,

А. Ходжаев, Шамсиддин Камолиддин, У. С. Абдуллаев, О. Бўриев, М. Усмонов, Г. Б. Бобоёров, А. Маликов, А. А. Аширов, А. Қаюмовларнинг қатор тадқиқотлари чоп қилинди¹. Шунингдек, 2011 йил сўнгги 20 йилдан ошиқроқ вақт давомида ЎзР ФА Тарих институти ва Россия ФА Этнология ва антропология институтининг ўзаро ҳамкорлиги натижаси сифатида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи, халқимизнинг анъанавий хўжалик машғулоти, моддий ва маънавий маданияти, оилавий ва жамоавий турмуш тарзини этнографик йўналишда ўрганишга бағишланган йирик тадқиқот — «Ўзбеклар» номли йирик фундаментал монография нашр қилинди².

Айнан мазкур монографиянинг ҳам салмоқли қисми ўзбекларнинг этник тарихини ёритишга бағишланган бўлиб, академик К. Шониёзов томонидан ёзилган³.

Шубҳасиз, ўзбеклар этногенези ва этник тарихини илмий асосда ўрганишда Ўзбекистон этнологияси фанида ўзига хос мактаб яратган ва қарийб 50 йиллик илмий фаолиятини бағишлаган олим Карим Шониёзовнинг беқийёс ҳиссаси бор.

К. Шониёзов ўзининг «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» номли капитал асарида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ёритишга ижодий ёндашиб, этнология фанининг назарий ва илмий методологик асосларига аниқликлар киритди. Буни унинг ўзбек тарихшунослиги олдигаги буюк ютуғи десак, хато бўлмас⁴. Қолаверса, айнан К. Шониёзов Марказий Осиёдаги этник жараёнларнинг тарихий негизларига асосланиб, ўзбек халқининг шаклланиш жараёнига

¹ А х м е д о в Б. Ўзбек улуси. Тошкент: Мерос, 1992. 152-бет; Ш о н и ё з о в К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарқ, 2001. 464-бет; А с қ а р о в А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи. Тошкент: Университет, 2007. 340-бет; Д ж а б б а р о в И. Узбеки: (Этнокультурные традиции, быт и образ жизни). Ташкент: Шарқ, 2007.; Х о д ж а е в А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Алматы, 2011. 276-бет; К а м о л и д д и н Ш. С. Происхождение Саманидов. Ташкент, 2008.; А б л у л л а е в У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар (XIX–XX аср бошлари), Тошкент: Янги аср авлоди, 2005; Б о б о ё р о в Ф. Б. Фарбий Турк ҳоқонлиги давлат тузуми. Тарих фан-лари доктори илм. дараж. олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Тошкент, 2012.; М а л и к о в А. М. Узбеки группы «кунграт» долины Зерафшан в XIX — начале XX в. Самарканд, 2007. 124-бет; А ш и р о в А., Қ а ю м о в А. Ўзбеклар // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10-жилд. Тошкент, 2005. 487–492-бетлар.; Б ў р и е в О., У с м о н о в М. Ўзбеклар: этник тарихи ва этномаданий жараёнлар. Самарканд, 2008.

² Узбеки. М.: Наука, 2011. 688-бет.

³ Ш а н и я з о в К. Этническая и политическая история узбеков // Узбеки... 14–50-бетлар.

⁴ А с қ а р о в А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари // O‘zbekiston tarixi. 2002. № 4. 54–60-бетлар.

оид жиддий мулоҳазалар ва тарихий асосларга эга ўз назарий-методологик концепциясига эга бўлган тадқиқотчидир.

Ўзбек халқи этник тарихи ва этногенезининг назарий-методологик муаммоларига бағишлаб А. Асқаров ва У. Абдуллаевлар томонидан ҳам бир неча мақолалар эълон қилинган⁵. А. Асқаровнинг этногенез ва этник тарих муаммоси доирасида бажарган тадқиқотларида кўплаб диққатга сазовор мулоҳазалар билдирилган бўлиб, уларнинг орасида энг муҳими муаллифнинг «ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси сўнгги бронза давридан бошланади» деган концепциядир⁶.

Этногенез ва этник тарих муаммоларини тадқиқ қилишда нафақат тарихчи, этнолог мутахассисларнинг, балки шарқшунос, тилшунос, файласуф олимларнинг ҳам ўзига хос ўрни борлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу борада шарқшунос олимларнинг нашр қилган асарлари ва тадқиқотлари алоҳида диққатга сазовор бўлиб, тадқиқотчилар томонидан хитой, қадимги туркий битиктошлар, араб ва форс тилидаги манбалар асосида Марказий Осиёдаги турли қабила, уруғ ва халқларнинг этногенези, уларнинг этник жараёнлардаги иштироки, шунингдек, ўзбекларнинг халқ сифатида шаклланиши таҳлил этилган⁷. Бундан ташқари, айнан охириги йилларда республикада мазкур мавзуга оид илмий семинарнинг ташкил этилганлиги ҳам ушбу йўналишнинг кейинги йилларда нақадар ривожланганлиги ва муҳим аҳамият касб этаётганлигидан далолат беради⁸.

Хуллас, мустақиллик йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини тарихий йўналишда тадқиқ қилган мутахассисларнинг фаол саъй-ҳаракатлари натижасида биринчидан, совет фани томонидан илгари сурилган ва сўнгги йилларда тарих илмида устувор аҳами-

⁵ Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари // *O'zbekiston tarixi*. 2002. № 4. 54–60-бетлар. Абдуллаев У. Этнологиянинг баъзи бир назарий масалалари // *O'zbekiston tarixi*. 2002. №1. 60–65-бетлар.

⁶ Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик масалалари... 9-бет.

⁷ Қаранг: Хўжаев А. Халқимиз ўтмиши қадимги манбаларда. Тошкент, 2001.; Бобоев Ф. Б. Марказий Осиёда VI–VIII асрлардаги сиёсий-этник жараёнлар (Ўрхун-Энасой ёзувидаги манбалар асосида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Тошкент, 2003.; Закиров Ш. Т. Арабоязычние источники IX–XII вв. и их значение в изучении этнополитической жизни народов Средней Азии. Автореферат дисс. на соис. канд. ист. наук. Ташкент, 1994.

⁸ Қаранг: Ўзбек халқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих мавзусидаги республика илмий-назарий семинари материаллари. 2004 йил 19–20 ноябрь. Тошкент, 2004.

ят касб этган «ўзбеклар XVI асрда пайдо бўлган» деган ғайриилмий ақидага тўлалигича барҳам берилди. Иккинчидан, айнан ўзбекларнинг маҳаллий ўтроқ халқ эканлиги ҳамда минтақанинг қадимий маданияти во-рислари эканлиги исботланди. Учинчидан, тарихий йўналишда бажарилган тадқиқотлар аниқ бир назарий қарашлар, хусусан, этнос назарияси доирасида бажарилганлиги билан ажралиб туради.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, этнос назарияси илк маротаба XX асрнинг 20-йилларида, аниқроғи, 1923 йилда Хитойнинг Шанхай вилоятида яшаган рус эмигранти С. М. Широкогоров томонидан фанга олиб кирилган. Кейинчалик ушбу олимнинг ишларида этнос(миллат)га берилган таъриф П. Кушнер, С. Токарев, Н. Чебоксаров, В. Козловлар тадқиқотларида маълум маънода такомиллаштирилган бўлса, Ю. Бромлейнинг хизматлари туфайли ўтган асрнинг 80-йилларида этнос назарияси материалистик фундаментдаги яхлит бир тизимли концепция кўринишига эга бўлди. Айнан мазкур назария асосида кейинчалик ўзбекистонлик олимлар, жумладан, К. Шониёзов, А. Асқаров, У. Абдуллаевлар ўзбеклар этногенези ва этник тарихини ёритиб беришга ҳаракат қилганлар. Тўғри, бу назария охириги йигирма йил давомида қатор мамлакатларда, хусусан, Россияда мутахассислар томонидан танқид қилинмоқда ва бу борада илмий нашрларда жуда қизғин баҳс-мунозаралар кечмоқда⁹. Лекин ҳар қандай назария ва қараш яшаш ҳуқуқига эга бўлгани сингари этнос назарияси ҳам бугунги кунда ўз тарафдорларини буткул йўқотган деб бўлмайди.

Энди иккинчи йўналиш, яъни ўзбеклар этногенези ва этник тарихи ҳақида публицистик йўналишда ёзилган ишларга тўхталсак. Аввало, шуни айтиб ўтиш керакки, мустақилликнинг ўтаётган 22 йили давомида ўзбек халқи тарихини ўрганиш борасида А. Иброҳимов, У. Санақулов, А. Шукуров, Ў. Носиров, Б. Ҳайдаровлар томонидан қатор китоблар чоп қилинди¹⁰.

Бу нашрларнинг аксарияти бадиий-публицистик руҳда ёзилган бўлиб, муаллифлар халқ тарихига бўлган чексиз қизиқиш туфайли

⁹ Бу борада батафсилроқ қаранг: Т и ш к о в В. А. Реквием по этносу: исследования по социально-культурной антропологии. Москва, 2003.

¹⁰ И б р о ҳ и м о в А. Биз ким, ўзбеклар. Тошкент, 1999.; С а н а қ у л о в У. Ўзбек халқи ва тилининг этногенези ва этник қатламлари. Самарқанд, 2010.; Ш у к у р о в А. «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида. Қарши: Насаф, 2010. 68-бет; Ўша муаллиф. «Т» товушининг товланиши. Тошкент: Chashma print, 2012. 112-бет; Н о с и р о в Ў. Ўзбеклар шажараси. Тошкент: Extremum press, 2011. 430-бет.; Ҳ а й д а р о в Б. Ўзбекчилик. Тошкент: Noshir, 2012. 314-бет.

хам ўзбеклар этногенези ва этник тарихи масаласига мурожаат қилишди. Лекин баъзи ҳолларда муаллифлар манбавий асосларсиз халқимиз тарихини қадимийлаштиришга ҳаракат қилганлар. Қолаверса, муаллифлар ўз қарашларининг тасдиғи сифатида халқ тарихи билан боғлиқ мифологик мазмундаги ривоят ва афсоналарни ёки эҳтирослар асосида публицистик фикрларни баён қилганлар ва хорижда, хусусан, Россия ва Туркияда чоп қилинган адабиётларга иқтибос қилиш билан чегараланганлар.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мустақиллик йилларида драматург, ёзувчи Анвар Шукурнинг ҳам ўзбек халқининг келиб чиқиши этногенези ва этник тарихига бағишланган қатор китоблари эълон қилинди. Муаллиф ўзбек этноними ва Ўзбекистон ҳамда жаҳондаги кўплаб топонимлар тарихига оид ўз мулоҳазаларини илгари суриш асносида халқимиз тарихини қадимийлаштирган. Бироқ, келтирилган маълумотларнинг аксарияти эҳтирослар негизига қурилган қарашлардир. Чунончи, муаллиф «ўзбек» этнонимини асоссиз тарзда «Ўғуз» + «берк», «Ўғиз» + «бўка» сўзларидан ташкил топган», деб ёзади¹¹.

Анвар Шукур «ўзбек» этнонимининг келиб чиқишига оид қарашларини кейинчалик 2012 йил «Cashma print» нашриётида нашр қилинган китобида янада ривожлантириб, уни янада «қадимийлаштиради». Чунончи, муаллиф «Ўзбек» атамасини *Ўзбекхон билан боғлаб бўлмайдди. Бу сўз пайдо бўлганига 4000 йилдан ошган*¹², деб ёзади. Қизиги шундаки, муаллиф ўз фикрининг исботи тарзида бирор-бир тарихий манба ёки илмий адабиётни келтиришни жоиз деб билмайди ва «*тарихий илдизларимиз кимлар эканлиги ҳақидаги изланишларим тарих фани услубларига ҳам, тилшунослик фани услубларига ҳам тўғри келмас, балким. Ўқиган-билганларимни суҳбатларда чархлаб олдим. Кейин мантиққа асослаиб ўзбек атамасининг келиб чиқиши ҳақида рисолача ёздим.*

*Кейин билсам, меникига ўхшаш асарни яратиш мумкинлиги ҳақидаги башоратни юртбошимиз биз таъкидлаган асарларида билдирган эканлар*¹³, деб ёзади. Биз бу жумлаларни ўқиганимиздан сўнг юртбошимизнинг тарихга оид билдирган фикрлари ва ёзган асарлари билан яна бир бор синчиклаб батафсил танишиб чиқдик.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов доимо чуқур илмий асосга таянган тадқиқотларга суянган ҳолда ўзбек халқи тарихини ёритиб

¹¹ Ш у к у р о в А. «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида ...33-бет.

¹² Ш у к у р о в А. «Т» товушининг товланиши. Тошкент: Chashma print. 2012. 5-бет.

¹³ К а р и м о в И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 132–154-бетлар.

бериш борасида фикрлар билдириб, «*ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапирётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув зарур*»¹⁴, деб таъкидлаган. Шу боис бундай исботсиз фикрларнинг билдирилиши, бизнингча, ҳурматсизлик ва зиёли кишига хос бўлмаган нокамтарликдир.

Бошқа бир ўринда, муаллиф Миср эҳромлари ва Америка ҳиндулари томонидан қурилган пирамидаларни «ўзбекларнинг аждодлари қурган» деб даъво қилади ва «Миср фиръавни Тутанхамон эмас, балки Тутакхонман, Фараон — ФарХОН», деб ёзади¹⁵. Ёки яна бир жойда у «инкларнинг охирги подшоси Атаху АЛП бўлган», деб таъкидлайди¹⁶. Бу ўринда ўқувчи олдида Анвар Шукур бутун дунё тарихида ўз исботини юз йиллар аввал топган қарашларни қандай ва қайси илмий асосларга таяниб ўзгартирмоқчи, деган саволлар пайдо бўлиши шубҳасиздир.

Хуллас, ҳозирги тарихий жараёнда этногенез ва этник ҳамда миллий масалада ҳолис илмий асосларга таянилган ёндашувлар ва қарашлар лозим. Шу боис мазкур ўта нозик масалада ҳар бир муаллиф айтган сўзи учун масъулликни англаши зарур. Миллат, мамлакат ҳақида фикр билдиришнинг ўзига хос масъулияти бор. Президентимиз ҳақли тарзда таъкидлаганларидек, «*муайян воқеа, шахсга муносабат билдираётганда, бу фақат бир киши ёки муайян тоифадаги кишиларнинг нуқтаи назари бўлиши мумкинлигини унутмайлик*»¹⁷. Акс ҳолда кенг жамоатчилик фикрини чалғитиш миллий низо ва адоватлар ҳамда давлатлар ва этнослараро низоларга олиб келиши мумкин.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз илмий жамоатчилиги орасида кенг баҳс-мунозараларга сабаб бўлган яна бир асар бу тилшунос олим Ў. Носировнинг «*Ўзбеклар шажараси*»¹⁸ номли китобидир¹⁹.

Муаллиф китобнинг бошланишидан то якунигача этнограф ва тарихчиларнинг тадқиқотларидан норози кайфиятда асоссиз даъволар ва илмий исботсиз «ўзбек халқининг келиб чиқиши ва этник тарихига бағишланган китобларда, энг аввало, ёш авлоднинг миллий ғурурифтхорига хизмат қилмайдиган, хусусан, миллатимиз ўтмишини бош-

¹⁴ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ134-бет.

¹⁵ Шукуров А. «Т» товушининг товланиши.... 108-бет.

¹⁶ Ўша манба. 109-бет.

¹⁷ Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ...134-бет.

¹⁸ Носиров Ў. Ўзбеклар шажараси. Тошкент: Extremum press, 2011. 430-бет.

¹⁹ Мазкур китоб юзасидан яқинда махсус рисола ҳам нашр қилинган. Қаранг: Асқаров А. Бир китоб ҳақида минг эътироз. Тошкент, 2013. 82-бет.

қа ўзанга буриб юборадиган, «ўз йўриғига солишга» йўналтирилган ўта жиддий муаммолар бугунги кунда ҳам учраб турибди»²⁰ деб ёзади.

Бошқа ўринда, «*Бизнинг илмий изланишларимиз натижасида эса ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида милоддан олдинги 2 минг йилликнинг иккинчи ярмидан биринчи минг йилликнинг 8 асрига қадар қудратли Скифия давлати мавжуд бўлгани аниқланди*», деб ёзади ҳамда ўз фикрлари билан туркий халқлар тарихини сунъий тарзда қадимийлаштиришга ҳаракат қилади. Шунингдек, муаллиф томонидан «*Скифия—Турон—Туркистон—Ўзбекистон*»²¹ тарзда боғлаган. Бу нима? Ўзбек давлатчилик тизимининг янги талқиними ёки йиллар давомида шаклланган давлатчилик анъаналарининг қатъий рад қилинишими?

Энг муҳими, бутун қадимий ва антик тарихни фақат скифларга боғлаш илмий холисликдан анча йироқ қараш ҳисобланади. Қолаверса, нима учундир муаллиф Скифия давлати тўғрисидаги қарийб 20 саҳифада билдирган ўз мулоҳазаларида археологик тадқиқотлар ҳақида маълумотлар бермаган. Китобнинг бошланишидан то якунигача бизнинг аждодларимиз деб эътироф этилган скифлар ҳақида муаллиф «*Скифлар жангда биринчи ўлдирган рақибининг қонини ичишган. Ўлдирилганларнинг бошини кесиб подшоҳга тақдим қилишган ва шу ҳисобдан тақдирланишган. Бошининг терисини шилиб кийимига ишлатишган*» деб, фахрланиб ёзади²². Умуман олганда, бундай мулоҳазалар асарда бир марта эмас, балки бир неча марта берилган. Муаллиф бу мулоҳазалар орқали ўзбекларнинг қадим аждодлари шунчалик қонхўр ва зolim бўлган демоқчими? Биз бу талқинларимиз орқали ёшларни қайси томонга бошлаймиз. Ахир бу ҳеч қандай қолипга сиғмайдиган ғайриилмий мулоҳазалар эмасми? Шунингдек, китобда муаллиф ўзига хос мактаб яратган кўплаб олимларни ҳеч бир сабабсиз танқид қилгани ажабланарли ҳол. Чунончи, муаллиф академик Карим Шониёзов ва бошқа қатор муаллифларга нисбатан илмий этикетдан йироқ фикрлар билдириб, уларнинг фикрларини «*думбул фикрлар*»²³, «*академик олим кашфиёт қилган лаборатория усули*»²⁴, «*академик кашфиёти*»²⁵ деб баҳолайди. Шунингдек, К. Шониёзовнинг «*Қалам соҳиблари орасида шундайлар ҳам борки, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини Нуҳ пайгамбарнинг ўғли Ёфасдан, Ёфаснинг ўғли Турдан ёки Туркдан бош-*

²⁰ Н о с и р о в Ў. Ўзбеклар шажараси.... 8-бет.

²¹ Ўша асар. 37-бет.

²² Ўша асар. 73-бет.

²³ Ўша асар. 324-бет.

²⁴ Ўша асар. 150-бет.

²⁵ Ўша асар. 328-бет.

лайдилар», деган мулоҳазасини танқид қилиб, ўзбекларнинг этногенезини Нуҳ пайғамбарга боғлашга ҳаракат қилган²⁶. Энг муҳими, Ўрта Осиёни «Ҳазрати Одам яшаган муқаддас маскан»²⁷ дейишдан олдин, антропологик тадқиқотлардан озгина бохабар бўлиш лозим. Янада қизиқ томони шундаки, муаллиф К. Шониёзовнинг юқоридаги мулоҳазани танқид қилгани учун «*бозорда отасини унгири қолиб, бошқа бировнинг унгирини тутиб адашган бола каби бошқа йўлга кириб қолганга ўхшайди*» деб ёзади. Ёки бошқа ўринда академиклар К. Шониёзов ва А. Асқаровларни ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, этногенез ва этник тарихини ўрганишда европацентризм назарияси тарафдорлари тарзида танқид қилади²⁸. Энг муҳими, нима учун муаллиф нафақат мамлакатимизда, балки халқаро илмий жамоатчилик томонидан этироф этилган хулосаларни тан олмасдан, туркий халқлар тарихини сунъий равишда қадимийлаштиришга ҳаракат қилган Мурод Аджи, М. Закиев каби муаллифларнинг издоши тарзида уларнинг китобларида билдирилган фикрларни маъқуллаб, туркий халқлар тарихини ҳеч бир исботсиз Одам Ато даврига олиб боришга ҳаракат қилади²⁹. Бу тарзда тарихни қадимийлаштириш ўзбек халқи тарихи ва маънавиятини мустаҳкамлашга эмас, балки миллатчилик кайфиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Хуллас, мазкур қарашлардан хулоса чиқариб, шуни таъкидлаш керакки, ўзбеклар этногенези ва этник тарихи муаммоси ҳозирда нафақат тарих фанининг, балки унга ёндош бўлган бошқа ижтимоий фанларнинг муҳим тадқиқот объектига айланди. Бу муаммо юзасидан кўплаб тарихчи, манбашунос, археолог, этнограф, санъатшунос, тилшунос мутахассисларнинг ҳамкорлигида юқорида айтиб ўтилган «Ўзбеклар» номли китобни мисол тарзда келтириб ўтиш мумкин. Айнан мазкур китоб ўзбеклар этнографиясига оид сўнги чорак асрдан кўпроқ вақт давомида чоп қилинган энг йирик фундаментал тадқиқот эканлиги ҳамда Марказий Осиё халқлари орасида ҳам илк мартаба айнан «Ўзбеклар» нашр қилингани кишида фахр ва гурур туйғусини пайдо қилади. Қолаверса, бу ҳолат ўзбекистонлик олимларнинг

²⁶ Н о с и р о в Ў. Ўзбеклар шажараси..... 149-бет.

²⁷ Ўша асар. 182-бет.

²⁸ Ўша асар. 154–155-бетлар.

²⁹ Мазкур муаллифларнинг «фолк-хистори» йўналишидаги қарашлари ва ғоялари борасида батафсилроқ қаранг: А д ж и М. Европа. Тюрки. Великая Степь. М.: Мысль, 1998. 334 с.; Ў ш а м у а л л и ф. Кипчаки. Древняя история тюрков и Великой Степи. М.: Новости, 1999. 175 с.; З а к и е в М. З. Происхождение тюрков и татар. М.: Инсан, 2002. 496 с.

тадқиқотларини дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилиши билан бирга ўзбекларнинг халқ тарзида шаклланиш тарихи, маданияти ва маънавияти, бир сўз билан айтганда, ўзбекнинг ўзлигини дунё ҳамжамиятига тақдим қилинишидир. Лекин, «гуруч курмаксиз бўлмайди» деганларидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда чоп қилинаётган айрим нашрларда тарихий, илмий асосга эга бўлмаган, миллий эътирослар асосига қурилган бир томонлама ноилмий фикрлар ҳамда энг муҳими ўзининг бутун бир илмий фаолияти давомида ўзига хос мактаб яратган мутахассислар қарашларининг асоссиз равишда танқид қилиниши ҳамда мазкур нашрларнинг расмий давлат нашриётларида кўп минг нусхаларда нашр қилиниши ҳам тушунарсиз ҳолдир. Шу боис бизнингча, аввало ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосига алоқадор ҳар қандай китоблар, монографик тадқиқотлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларни кенг илмий жамоатчилик иштирокида муҳокамадан ўтказиш, соҳа мутахассисларининг илмий фикрларини ҳисобга олган ҳолда эълон қилиш зарур. Бундан ташқари, халқ тарихи билан боғлиқ тарихий нуқтаи назарлар, илмий фаразлар, доимо миллий эътиросларга берилмаган ҳолда тарихий холисликни, аввало, маълум бир концепция ва илмий манбага асосланган ҳолда фикрлашни талаб қилади. Айнан мана шу меъёрларнинг бузилиши тарих фанини сохталаштириши ва айрим ҳолларда миллий низолар ҳамда этнослараро можароларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчидан, араб, форс, хитой, туркий тилларни биладиган ҳамда этнология ва тарих фанларининг замонавий йўналишларидан бохабар малакали ёш мутахассислар мактабини шакллантириш лозим. Бу мақсадни амалга оширишда мамлакатимизда турли олий ўқув юртлари ва академик институтлар доимий изчил ҳамкорликни янада такомиллаштириши лозим.

Учинчидан, тарихий мазмунда бажарилган тадқиқотлар, хусусан, этногенез ва этник тарих соҳасидаги тадқиқотлар маълум бир концептуал ва назарий асосга эга бўлиши лозим бўлиб, мавжуд тарихий муаммолар ечимининг тўғрилиги унинг илмий-методологик асоси билан белгиланади. Бу ўринда биз рамзий тарзда халқни ўрганувчи фан тармоғини улкан бир дарахт деб тасаввур қилсак, этногенез ва этник тарих муаммоси унинг илдизини ташкил этади. Зеро илдиз қанчалик бақувват, чуқур кетган бўлса, дарахт шунчалик барқ уриб яшнайди. Шу боис ҳозирги ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид тадқиқотларни манбашунослик, археология, санъатшунослик, тилшунослик, фольклоршунослик каби ёндош соҳа ютуқлари билан

бойитиш ва тадқиқотларга илмий асосли концепцияларни асос қилиб олмоқ зарур. Чунки назарий хулосаларсиз ёки тарихий далил-исботларсиз муаммонинг тадқиқ этилиши салбий оқибатларга олиб келиши ва миллий низоларни келтириб чиқариши мумкин.

А. АШИРОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИГА ДОИР НАШРЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосининг тарихчи, этнолог, адабиётшунос, шарқшунос мутахассислар томонидан ўрганилиш тарихи тарихшунослик нуқтаи назаридан ёритилган. Унда бу соҳада анъанавий мактаб намояндалари томонидан эришилган кўплаб диққатга сазовор ютуқлар билан бирга мавжуд муаммолар ҳамда айрим муаллифларнинг ишларида учрайдиган хато ва камчиликлар ҳам илмий асосда таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: этногенез, этник тарих, этнос, миллий идентиклик, этномаданият, халқ, миллат, ўзбеклар, тарихий тадқиқотлар.

А. АШИРОВ

НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ ОТНОСИТЕЛЬНО СОВРЕМЕННЫХ ПУБЛИКАЦИЙ ПО ЭТНОГЕНЕЗУ И ЭТНИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ УЗБЕКСКОГО НАРОДА

В статье раскрыты история изучения этногенеза узбекского народа и проблемы этнической истории с периода независимости Узбекистана историками, этнологами, литературоведами и востоковедами. С научной точки зрения проанализированы многие успехи представителей традиционной школы в этом направлении, заслуживающие внимания, а также ошибки и недостатки в работах некоторых авторов.

А. АШИРОВ

SOME THOUGHTS CONCERNING PUBLICATIONS ON ETHNOGENESES AND ETHNIC HISTORY OF UZBEK PEOPLE

In this article the history of research of ethnogenesis of Uzbek people and problems of ethnic history during the Independence in Uzbekistan are brought to light by historians, ethnologists, literature specialists and orientalists. Most noteworthy successes of traditional school representatives in this field as well as mistakes and shortcomings in the works of some authors are analyzed from scientific point of view.

Г. ЗУНУНОВА

МАТЕРИАЛЬНАЯ КУЛЬТУРА УЗБЕКОВ ТАШКЕНТА В КОНТЕКСТЕ ТЕОРИЙ АДАПТАЦИИ И МОДЕРНИЗАЦИИ

В мировой этнологической науке сложилось множество направлений и школ, играющих важную роль в исследовании материальной культуры. Недостаток теоретических работ узбекских ученых, где анализировались бы методы и подходы в изучении системы жизнеобеспечения этносов и ее трансформации обуславливает научный и практический интерес к данной теме.

В последнее десятилетие усилился интерес к этнологическим исследованиям традиционной материальной культуры, а точнее к исследованиям, направленным на выявление не только степени ее сохранности, но и на изучение движения традиционной культуры. Поэтому актуальными среди теоретико-методологических направлений являются теории модернизации и адаптации, являющиеся одним из инструментов анализа этнографического материала, помогающего исследовать процесс трансформации «вещного мира», раскрыть механизм изменений материальной культуры.

Цель статьи — раскрыть суть теорий, показать примеры их использования в исследовательской работе при анализе и интерпретации того или иного факта материальной культуры в процессе трансформации.

Материальная культура — важнейший компонент культуры общества в целом — является широким понятием, включающим в себя множество составляющих. Исследователи С. А. Арутюнов, Э. С. Маркарян и другие выделяют из более емкого ее понятия сферу, включающую поселения, жилища, одежду и пищу, обозначив их понятием «культура жизнеобеспечения». Из ее целевого назначения ясно, что эта система призвана обеспечить потребление людьми наиболее насущных благ. Но культура жизнеобеспечения не исчерпывается только потреблением, она включает в себя частично и производство (строительство дома, приготовление пищи, одежды и т. д.), и некоторые функции распределения (распределение жилой площади, порядок приема и раздачи пищи, порядок снабжения одеждой и т. д.)¹. Следует отметить, что термин «культура жизнеобеспечения» может обозна-

¹ Культура жизнеобеспечения и этнос. Ереван, 1983. С. 57.

чаться тождественными понятиями: «материальная культура», «вещный мир», «предметный мир», «жизнеобеспечивающая система».

Изучение материальной культуры узбеков г. Ташкента, представляющей собой синтез традиционной и модернизированной культур, где доминирующая роль принадлежит традиционной культуре, показывает, что «традиционализм активно требует постоянной корректировки образа жизни по старой изначальной или «классической» модели»². Трансформация такого общества происходит только традиционными методами³, постоянно коррелируя и адаптируя под себя все новое.

Применение теорий адаптации и модернизации, сформулированных учеными Э. С. Маркаряном и Э. Айзенштадтом для анализа предметного мира, помогают раскрыть механизм адаптации традиций к новым условиям общества и инноваций к традициям, так как ученые трактуют термин «традиция» не просто как обряд, а шире — как культура. По мнению Э. Айзенштадта, традиция — «это неотъемлемый элемент любой социальной культуры как всякой социальной организации в целом (будь то так называемое традиционное или современное общество), так и каждого ее элемента в отдельности (традиции, например, сохраняют свое значение даже в таких наиболее рационализированных и динамичных областях человеческой деятельности, как наука и технология)»⁴, в том числе и в материальной культуре, где традиционные формы сохраняют свою специфику очень долгое время.

Э. С. Маркарян считает, что традиции изменчивы, а «динамика культурной традиции — это постоянный процесс преодоления одних видов социально организованных стереотипов и образования новых»⁵.

Для разных периодов истории, в которых происходили изменения материальной культуры узбеков г. Ташкента в XX в., были характерны различные ее типы, формировавшиеся под влиянием социально-экономических и других факторов. Процесс возникновения новых форм жилища, одежды, пищи, преодолевая традиционные препятствия (консервативное мышление, стереотипные нормы), приводил к адаптации к традициям. Полевые материалы показывают, что

² П о л я к о в С. П. Традиционализм в современном среднеазиатском обществе // Мусульманская Средняя Азия. Москва, 1989. С. 127–128.

³ Там же.

⁴ Цит. по: Осипова О.А. Американская социология о традициях в странах Востока. Москва, 1985. С. 97.

⁵ М а р к а р я н Э. С. Узловые проблемы теории культурной традиции // Советская этнография. 1981. № 2. С. 80–81.

инновации в материальной культуре узбеков Ташкента не всегда приживались быстро, они порой воспринимались «в штыки» (например, изменение направления окон в традиционном жилище, появление новых фасонов одежды, вновь появившиеся в рационе питания узбеков макароны и картофель, которые назывались первоначально «едой русских» или «едой чертей»). В этом случае происходил процесс ее модификации, «подгонки» под традиционные культурные формы, приспособления к специфике данного этноса («советские» окна из-за того, что они выходили на внешнюю часть улицы, занавешивались темной плотной тканью, рукава и длина нового отрезного по талии фасона платья удлинялись, такое платье носилось с толстыми колготками или штанами — *лозим*, блюда, в составе которых были картофель или макароны, стали со временем называться *картошка-палов*, *макарон-палов*). Этот процесс был двусторонним: в «вещном мире» изменялась не только сама инновация, но и традиционные элементы этнической культуры, вступающие с ней в контакт.

С. В. Лурье, раскрывая механизм проникновения нового в традиции, отмечает, что ее формированию предшествует возникновение в сознании человека некой новой модели мироздания, включающей новые формы материальной культуры⁶. Этот тезис подтверждает, например, такой факт: появление узбекской женщины с открытым лицом в обществе в начале XX в. легитимировалось охранными свойствами народной косметики (усьма, сурьма, хна).

Э. Айзенштадт считает, что «традиционное общество постоянно меняется»⁷, и изменения эти могут быть как малыми, так и глобальными, связанными с трансформацией всего социального каркаса общества⁸. Как показывают материалы исследования, вместе с традиционным обществом меняется и его материальная культура. Если меняются периферийные элементы «вещного мира» (изменение формы тюбетейки или обуви), то это малые изменения, а если меняется или изымается из обихода традиционное ядро (например, паранджа), то это ведет к глобальным изменениям во внутрисемейных взаимоотношениях (например, многие женщины, снявшие паранджу, получали развод).

⁶ Лурье С. В. Историческая этнология. Москва, 1997 // svlourie.narod.ru/hist-ethnology/.

⁷ Eisenstadt S. N. Tradition, Change and Modernity. New York, Sydney, Toronto: John Wiley, 1973. P. 253.

⁸ Лурье С. В. Историческая этнология. Москва, 1997 // svlourie.narod.ru/hist-ethnology/.

По мнению С. В. Лурье, характер изменений в традиционном обществе не произволен, он задан традицией изнутри⁹. Любое традиционное общество «имеет реальные и символические события прошлого, порядок и образы которого являются ядром коллективной идентичности (традиционного общества), определением меры и природы его социальных и культурных изменений. Традиция в этом обществе служит не только символом непрерывности, но и определителем пределов инноваций и главным критерием их законности, а также критерием (допустимых вариантов) социальной активности»¹⁰. В применении этого тезиса теории модернизации к материальной культуре можно сказать, что в рамках модели изучаемого общества были возможны только те формы материальной культуры, которые допускались традициями данного общества. Полевые материалы показывают, что при появлении европейских фасонов женского платья узбеками воспринимались только те образцы, которые соответствовали нормам мусульманской морали, традицией допускалось только «своеобразное» применение двойной фаты невестой, подбор свадебного платья определенной «разрешенной» длины и «разрешенным» вырезом.

Э. Айзенштадт подчеркивает, что традиция обнаруживает значительные адаптивные потенции, изменяясь по мере приспособления к новым условиям. В частности, он отмечал, что «традиция может оказывать позитивное воздействие на процесс модернизации, а может в своем крайнем проявлении — традиционализме — препятствовать ему, равно как и процесс модернизации может приводить к ослаблению влияния традиции, а может и способствовать ее усилению». Материалы исследования, например, показывают, что из-за устойчивости традиций крыша из железа, которая стала входить в культуру узбеков Ташкента в начале XX в. не принималась носителями культуры и даже легитимировалась утверждениями о негативных последствиях ее использования для членов семейной группы. Брюки до сих пор не воспринимаются большей частью узбечек Ташкента, что имеет также отрицательный легитимный посыл. Примером ослабления традиций может служить такой факт, как использование в день бракосочетания свадебных платьев с глубоким декольте и открытой спиной, хотя в повседневной жизни традиционных семей это считается недопустимым. В данном случае можно сказать, что мода является причиной

⁹ Лурье С. В. Историческая этнология. Москва, 1997 // svlouric.narod.ru/hist-ethnology/.

¹⁰ Eisenstadt S. N. Tradition, Change and Modernity. New York, Sydney, Toronto: John Wiley. 1973. P. 51–52.

ослабления традиций. Оформление богатых домов в традиционном стиле в 90-е годы XX в. (в это время начинается процесс возрождения национальной культуры, связанного с периодом независимости, усиливается процесс вхождения в рыночные отношения), несмотря на процесс модернизации, является подтверждением того, что она способствует усилению традиций. Но ощущение причастности к высшему богатому слою многим узбекам не дает возможности до конца оставаться традиционными. Для того, чтобы подчеркнуть свой социальный слой, они очень помпезно украшают внешнюю сторону дома, используя нетрадиционные новые дорогие строительные материалы, что противоречит традиции.

Анализируя адаптивный механизм приспособления, Э. С. Маркарян отмечал, что «если инновации принимаются социальной системой, то они в той или иной форме стереотипизируются и закрепляются культурной традицией подобно тому, как прошедшие естественный отбор мутации и их рекомбинации закрепляются в генетических программах биологических популяций»¹¹. В культуре закрепляются только те инновации, те поведенческие, институциональные и прочие модели, которые являются адаптивными по отношению к окружающей среде или к принятым нормам традиционного общества. Материалы показывают, что закрепление и утверждение тех или иных новых элементов материальной культуры среди узбеков традиционной соседской общины Ташкента было связано и с психологическим фактором. Как известно, менталитет этноса является причиной того, что в нем приживаются далеко не все инновации (и это особенно верно как раз для заимствований). Все нововведения проходят своеобразный отбор с точки зрения их согласованности или несогласованности с ментальными установками и традиционными ценностями и принимаются или отторгаются в зависимости от того, насколько «новое» соответствует «старому». Инновация (за исключением моды), как правило, приживается трудно, не без противоречий и издержек. Ее вхождению в культуру всегда препятствуют традиционные представления, принятые в обществе. Она обычно воспринимается как «изъян», как нарушение «универсальных» для данного этноса правил¹².

¹¹ Маркарян Э. С. Культурная традиция и задача дифференциации ее общих и локальных проявлений // Методологические проблемы этнических культур. Материалы симпозиума. Ереван, 1978. С. 86.

¹² Чернявская Ю. Народная культура и национальные традиции. Минск. 2000. URL: http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Culture/Chem/15.php

Изучение механизма адаптации нового к традициям в материальной культуре узбеков Ташкента показывает, что инновации приспособлялись к ним путем структурной интеграции, когда ранее неизвестное становится частью этнической традиции. Например, так произошло с традиционным платьем на кокетке, которое перешло в узбекскую культуру из моды татарских женщин. Адаптивный механизм инноваций включает в себя и такие формы, как промежуточная, или ранняя, форма вхождения инновации — воспроизведение или копирование, связанное с модой, когда нововведение принимается как бы целиком, почти без изменений. По мере того, как инновация приживается, в обеспеченных слоях населения она становится престижно-знаковой, хотя может ограничиться кратковременной модой в определенных слоях и исчезнуть, если идет вразрез с тенденциями данной культуры. Это подтверждают, например, явления дефицита, который был характерен для советского периода. Так, в 60-е годы XX в. наличие синтетики в гардеробе женщин-узбечек было показателем достаточно высокого уровня вкуса, заработка и возможности «достать» дорогую импортную вещь, что было престижно. В это время популярными стали национальные платья, сшитые из этой ткани. Но через 10 лет мода на синтетические ткани ушла в прошлое, так как не выполняла свои прагматические функции в условиях жаркого климата.

Анализ полевых материалов в контексте теорий адаптации и модернизации показывает: во-первых, инокультурные воздействия приживались в культуре только в том случае, если они соответствовали ментальности и «картине мира» народа. Влияния извне никогда не оставались «чистыми», они всегда «подстраивались» к духу своего народа и перерабатывались по-своему, т. е. происходила модернизация традиционного. Если инновация не имела точек соприкосновения с «душой народа» и с его культурой, то в силу вступал процесс ее отторжения. Во-вторых, ломки ценностей в масштабе, охватывающем все стороны материальной культуры узбеков Ташкента, не произошло, но отдельные ее элементы (паранджа, болохона) под воздействием идеологии исчезли или ушли в ритуальную сферу. В-третьих, в матрице традиционного общества изменились лишь те сегменты материальной культуры, которые смогли адаптироваться и стали восприниматься членами соседской общины как традиционные.

Таким образом, теории адаптации Э. С. Маркаряна и модернизации Э. Айзенштадта являются важной составляющей в ряду теорети-

ко-методологических концепций современной этнологии. Анализ полевых материалов в ключе этих теорий показывает, что они имеют универсальный характер и предоставляют ученому широкий спектр возможностей для раскрытия сути адаптационных и трансформационных процессов, сквозь череду которых проходит предметный мир этносов. Конкретный фактический материал, проанализированный в статье, дает право утверждать, что теории адаптации и модернизации имеют основания для существования и развития.

Г. ЗУНУНОВА

МАТЕРИАЛЬНАЯ КУЛЬТУРА УЗБЕКОВ Г. ТАШКЕНТА В КОНТЕКСТЕ ТЕОРИЙ АДАПТАЦИИ И МОДЕРНИЗАЦИИ

В статье в ключе теории адаптации и модернизации Э.С. Маркаряна и А. Айзенштата рассматривается механизм трансформации материальной культуры узбеков г. Ташкента и вхождения в нее инноваций. Автором подчеркивается, что эти теории имеют универсальный характер и предоставляют ученому широкий спектр возможностей для раскрытия сути адаптационных и трансформационных процессов, происходящих в предметном мире этносов.

Ключевые слова: материальная культура, узбеки, общество, трансформация, традиции, инновации, теории, концепции, адаптация, модернизация.

Г. ЗУНУНОВА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЎЗБЕКЛАРИ МОДДИЙ МАДАНИЯТИ АДАПТАЦИЯ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ НАЗАРИЯСИ КОНТЕКСТИДА

Мақолада Э. С. Маркарян ва А. Айзенштатнинг адаптация ва модернизация назарияси омили сифатида Тошкент шаҳри ўзбеклари моддий маданиятининг трансформацияси механизми ва унга инновацияларнинг кириб келиши кўриб ўтилади. Муаллиф томонидан қайд этиладики, бу назариялар универсал характерга эга бўлиб, тадқиқотчиларга моддий этнослар дунёсининг адаптация ва трансформация жараёнлари моҳиятини очишга кенг имкон беради.

G. ZUNUNOVA

MATERIAL CULTURE OF THE UZBEKS IN TASHKENT IN THE CONTEXT OF ADAPTATION AND MODERNIZATION THEORIES

The article deals with the adaptation and modernization theories of E.S. Markaryan and Ayzenshtat, which enable us to illustrate transformation mechanisms and innovations in Uzbek material culture in Tashkent. The author emphasizes that these theories have universal character and they give a wide range of possibilities to scientists in order to reveal the essence of adaptation and transformation processes occurring in the objective world.

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Т. Гюль	ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими.
У. Абдурасулов	ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.
Н. Махкамова	ТАТУ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси муdiri, т.ф.д., доцент.
Х. Бабаджанов	ТАТУ «Ўзбекистон тарихи» кафедраси ўқитувчиси.
М. Рахимов	ЎзР ФА Тарих институти грант раҳбари, т.ф.д.
А. Аширов	ЎзР ФА Тарих институти грант раҳбари, т.ф.д.
Г. Зунунова	ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.

Журнал муқовасида: Ҳукмдор бош тасвири. Монументал деворий суратдан лавҳа. Афросиёб, Самарқанд. VII аср.

На обложке журнала: голова князя. Фрагмент монументальной росписи. Афрасиаб, Самарқанд. VII в.

